

## Бақара сураси, 153-оят

08:45 / 20.12.2017 11034

**Эй иймон келтирганлар! Сабр ва намоз ила ёрдам сўранглар. Албатта, Аллоҳ сабрлилар биландир.** *Бақара 153.*

Ислом умматига Аллоҳ таоло улкан масъулиятни – бутун дунёни илоҳий йўлга даъват этишни юклаган. Бу жуда ҳам машаққатли иш. Бундай улкан масъулиятни адо этиш учун камида шундай улкан сабр керак бўлади. Шу боис, Аллоҳ ушбу оятда мўмин бандаларини сабр-тоқатга чақирмоқда.

Қуръони Каримда сабрга даъват кўп такрорланади. Чунки Аллоҳга тоатда ҳам, гуноҳдан сақланиш, йўлдаги тўсиқларни енгиш учун ҳам, заифлик келиб қолганда ҳам, ҳавойи нафсни жиловлаш учун ҳам сабр керак ва ҳоказо. Ўтган уламоларимиздан бирлари сабрни умумий тарзда учга бўлганлар:

Биринчиси: Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан ва гуноҳлардан сақланишга сабр.

Иккинчиси: тоат ва қурбат ҳосил қилиш учун сабр.

Учинчиси: етадиган мусибат ва қийинчиликларга сабр.

Демак, мўмин-мусулмон банда мазкур қийинчиликларни енгиш учун катта миқдордаги сабрга эга бўлиши керак. Аммо ҳамма нарсанинг чегараси бўлганидек, гоҳида сабр ҳам тугаши, сусайиши мумкин, бундай ҳолатда намоз ёрдамга келади. Намоз битмас-туганмас ёрдамчи, кучга куч, қувватга қувват бахш этувчи, қалбга мадад берувчи, сабрга сабр қўшувчи, сокинлик ва хотиржамлик манбаидир. У ожиз, заиф одамни қувват ва ёрдамнинг асл манбаи бўлмиш Аллоҳ таолога боғловчи воситадир. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом қачон бир ишдан ташвишга тушсалар, намоз ўқишга шошилар эдилар. Шу боис, Аллоҳ таоло қийинчилик ва машаққатлар остонасида турган Ислом умматини сабрга ва намозга чақирмоқда. Ва ортидан:

**«Албатта, Аллоҳ сабрлилар биландир»,** - деб таъкидламоқда.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом вассалом ҳадисларидан бирида:

**«Мўминнинг иши ажойиб, Аллоҳ унга нимани қазо қилса ҳам, яхшилик бўлади. Хурсандлик етса, шукр қилади, яхши бўлади. Мусибат етса, сабр қилади, яхши бўлади»,** – деганлар.

Имом Термизий ривоят қилган бошқа бир ҳадисда «Одамларга аралашиб, уларнинг озорларига сабр қилган мусулмон уларга аралашмайдиган ва озорларига сабр қилмайдиган мусулмондан яхшидир», – деганлар.

Мадинаи Мунавварада Набий алайҳиссалом атрофларида бирикиб, алоҳида хусусиятларга эга бўлган жамият қурган мусулмонлар ўзларига етган улуғ неъматни – Аллоҳнинг динини, Исломи дунёга тарқатиш учун узоқ ва машаққатли кураш олдида турганлари эътиборидан Қуръони Карим уларни бу ишга руҳий-маънавий томондан тайёрлаш учун бўлғуси қийинчиликларга қандай муносабатда бўлиш йўлларини кўрсатади.